



Ishonch

Моҳият

Обод маҳалла, обод юрт обод кўнгилдан бошланади.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 2011 йил 23-24 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади. Музокаралар асносида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

«Жаҳон» АА

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги — олий мақсадимиз

Мамлакатимизда миллий манфаатимизни рўйбга чиқариш борасида ўтган 20 йил мобайнида асрларга татигулик катта ишлар амалга оширилди. Хўш, бу борадаги юксалишлар ва янгиланишлар муайян шахслар ёки ҳудудлар, меҳнат жамоалари ҳамда жамоат ташкилотлари ҳаётида қандай ақс этмоқда? Ушбу рўқнда ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Хоразм вилояти халқ таълими фахрийлар уюмаси ташаббуси билан бир гуруҳ меҳнат фахрийларининг юртимиздаги тарихий шаҳарлар ва муқаддас қадимжоларга саёхати уюштирилди. Саёхатимиз Урганч шаҳрида олиб борилаётган кенг кўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини томоша қилишдан бошланди. Янгидан бунёд этилаётган бинолар, кенг, раvon йўллар қурилишида бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилаётган марди-майdonларни кўриб, «баракалла, азаматлар» дегимиз келди.

«Мамолингга кўз тегмасин...»

Амударёнинг икки соҳилини бирлаштирувчи улкан кўприк қурилишини айтмайсизми! «Буоқ ипак йўли»даги ушбу кўприк ватанимизнинг ихтимой-иқтисодий ҳаётида қандай муҳим рол ўйнашини ҳис қилиб, бунёдкор халқимизга омадлар тиладик. Айниқса, Қорақум саҳроси бўйлаб ўтаётиб, ҳайратдан ёқа ушладик. Ёзнинг жазирасини писанд қилмай жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган йўл қурилиши ходимларига тасанолар айтдик. Ҳайбатли техникалар йўл қурувчиларнинг оғирини енгил қилиб, катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқда. Бир сўз билан айтганда, жаҳон андозаларига мос кенг ва раvon йўллар бунёд этилаётир.

(Давоми 2-бетда)

ТАТУ Нукус филиалининг бу йилги битирувчисиман. Хат ёзишимга сабаб, газетангиз орқали ўқийгани битиришимда катта ёрдам кўрсатган инсонларга чуқур миннатдорлигимни етказишдир.

Отам ва онам — Ўзбекистоним!

Ўзбекистонда туғилганим ва унинг фарзанди бўлганимдан фахрланаман. Сабаби, юртимизда ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга чексиз ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Отам ва онам вафот этган. 4-босқичда ўқишим учун шартнома пулининг 1840000 сўмини тўлай олмадим. Шу сабабли, ТАТУ Нукус филиали раҳбарияти ва касба уюмаси раисига ариза билан мурожаат қилдим. Филиал раҳбарияти ва касба уюмаси раиси А.Уразованинг саёй-ҳаракати билан Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюмаси Марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев, Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари билан касба уюшма қўмитаси раиси Н.Раимова ушбу маблағни ўқишим учун ўтказиб, университетни муваффақият билан битириб, эзгу мақсадга эришишимга сабабчи бўлишди. Бунинг учун улардан, қолаверса, биз, ёшларга улкан имконият яратиб бераётган давлатимиздан чексиз миннатдорман.

Хурмат ва эҳтиром билан Қурутбай БАБАНАЗАРОВ

Элимизга ярашган ҳашар

Йилда икки марта — янгилиниш айёми Наврўз ва энг улуг, энг азиз байрамимиз Мустақиллик куни арафасида умумхалқ ҳашарига чиқиш истиқлол даврининг яхши анъаналаридан бирига айланди. Кечаги шанба ва яшанба кунлари ўтган умумхалқ меҳнат байрами Мустақилликимизнинг 20 йиллигига бағишланганлиги билан алоҳида эътиборга молик. Халқимизнинг маънавий қиёфасини белгиловчи ҳашар бировга шунчаки ёрдам бериш эмас, балки, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун кўнгил ободлигини ўзи ишлаётган жойга, оиласи яшаётган маҳаллага, ҳар куни ўзи ўтиб турадиган кўча-ҳиёбонларга сидқидилдан кўчириш туйғуси мужассамлашган катта марақадир. Чунки ободончилик-орасталик тинчлик, хотиржамлик ва тараққиётнинг бош белгиси саналади. Бу галги ҳашарнинг кўлами ва руҳига қараб, меҳнат жамоалари ва аҳли маҳалла осуда ҳаётимиз учун нечоғли ғайрату рағбат билан яшаётганини ҳис этиш мумкин.

Вазирлар Маҳамаси фармойишига асосан 13-14 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ҳам бундан далолат бериб турибди.

Ҳашарда 16 миллион 749 минг нафардан зиёд фуқаро иштирок этди. 30 минг 727 гектар майдон ободонлаштирилди. 23 минг 682 километр ариқ ва зовурлар тозаланди. 15 822 133 туپ дарахт оқланиб, шакл берилди.

Кам таъминланган оилалар ҳамда ёлғиз кишиларга тегишли 17 минг 690 та уй-жой таъмирлаб берилди. 45 минг 807 тонна маиший ҳамда қурилиш чиқиндилари махсус жойларга чиқариб ташланди. 9 минг 321 та зиёратгоҳ ҳамда қабристон ободонлаштирилди.

Бу ишларни бахариш учун 14 мингдан зиёд техника воситалари сафарбар этилди.

— Мустақилликимизнинг 20 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида ўтказилган меҳнат байрамида жойлардаги касба уюшма фаоллари ҳам қизгин иштирок этдилар, — дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг етакчи мутахассиси Садриддин Сайфуллаев. — Масалан, Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги ўнлаб маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари бахарилиди. Биргина «Ўзбекистон» маҳалласида амалга оширилган ишлар учун 1 миллион сўм сарфланди. Шу жумладан, тумандаги «Минг ўрик», Ойбек, Авланий номи, «Салар», «Боғишамол», «Афросиёб» маҳаллаларида ҳам умумхалқ ҳашари кунларида атроф тозаланиб, дарахтларга шакл берилди. Кам таъминланган оилалар ҳамда ёлғизларнинг уй-жойлари таъмирдан чиқарилди. Ёлғиз қариялар, ногиронлардан хабар олиниб, кўнгил сўралди.

Кўриб турганингиздек, Умумхалқ ҳашари ҳақиқий меҳнат байрамига айланиб кетди. Бу ҳақда жойлардан мухбирларимиз хабар қилдилар.

Умумхалқ ҳашари САМАРКАНДА

Канда ҳам юксак кўтаринкилик, байрамона руҳда ўтди.

Ушбу тадбирда бир миллион 860 минг киши қатнашди. Вилоят ҳудудидаги 4856 километр ариқ ва зовурлар тозаланди. 2 минг 600 гектар ҳудуд ободонлаштирилди. Ҳашарчилар ғайрати боис 3 миллион 411 туپ дарахтга шакл берилди. Муборак Рамазон ойида 1189 та қабристон ва зиёратгоҳ тартибга келтирилди. 5 минг тоннадан ошми маиший чиқиндилар йўқ қилинди. Ҳашарга 1652 тадан зиёд техника сафарбар этилди.

Кам таъминланган, кўп болали, қаровчисини йўқотган, ногирон ва ёлғиз кексалар истикомат қилаётган 629 та хонадон уй-жойлари таъмирланди. Бу юмушларни бахаришга ҳомийлар томонидан 12,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳашарга бел боғланлар орасида ишларнинг фаоллиги яқол сезилиб турди.

ЖИЗЗАҲДА умумхалқ хайрия ҳашари «Ободлик кўнгилдан бошланади» шиори остида кўтаринкиликда ўтди.

Олис ва чека қишлоғу, қўрғон ва шаҳарларда ҳам ободонлаштиришга катта эътибор қаратилиб, кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилди.

— Вилоятимизда ўтказилган ҳашарда 708 мингдан ортиқ киши қатнашди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими мутахассиси Икромжон Абдумунинов. — 900 гектар майдон ободонлаштирилди. 528 километрлик ариқ-зовурлар тозаланиб, 286 та қабристон ва зиёратгоҳ тартибга келтирилди. Маҳаллалардаги кўча ва хиёбонларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Меҳр-оқибат, бағрикенглик ифодаси сифатида, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, ўзгалар кўмағига эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиниб, уларга меҳр-муруват кўрсатилди. Ана шу мақсад учун «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобидан 8 млн. 106 минг, ҳомийлар ҳисобидан 41 млн. 600 минг сўм сарфланди.



550 мингдан зиёд СИРДАРЁликлар меҳнат байрамида фаол қатнашди. Айниқса, ёшлар алоҳида ғайрат-шижоат намуналарини кўрсатдилар.

Хайрия ҳашари кунлари 548 километрлик ариқ-зовурлар тозаланди. 660 тонна чиқинди ташиб чиқарилиб, 115 минг туپ дарахт парвариланди. Бу ишларни амалга оширишда 430 та техникadan фойдаланилди. Одатгаидек, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга ихтимой кўмак берилди.

СУРХОНДАРЕДА умумхалқ хайрия ҳашари кунлари маҳалла гузарлари, барча идора ва ташкилотлар, истироҳат боғларини тозалаш, дарахтларни оқлаш, қабристонларни ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ишларда вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидagi 1700 га яқин бошланғич ташкилот етакчилари ҳам фаоллик кўрсатди. — Ҳашар баҳона кўлаб савоб ишларни амалга оширдик, —

дейди бирлашма раиси А.Ахмедов. — Тармоқ кенгашлари билан ҳамкорликда тўшаққа миҳланиб қолган сафдошларимиз, боқувчисини йўқотган оилалар, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак кўрсатилди. Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи, Сароисиё туманидаги «Фарҳод» муруват уйи, Шўрчидаги 68- ва 122-маҳсул мактаб-интернати тарбияланувчиларининг ҳолидан хабар олинди. Ходимларимиз ҳашар кунлари Термиз шаҳридаги Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуаси ҳудудида кенг кўламли ишларни амалга оширди.

Ҳашар кунлари 500 нафарга яқин яқка-ёлғиз, ногирон фуқароларнинг уй-жойи таъмирланиб, оқлаб берилди. ҚАШҚАДАРЕ Вилоятда умумхалқ хайрия ҳашарида бир миллион йигирма минг нафар киши қатнашди. Уларнинг 624 минг нафарини ёшлар ташкилотлари эди. Икки кун давомида 610 километр ариқ ва зовурлар тозаланиб, 945 гектар майдон ободонлаштирилди. 2600 тонна ма-

иший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. 12190 квадрат метр уй-жойлар таъмирланди. Шунингдек, 718 та зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилди.

НАМАНГАН Вилоятда 3674 та эҳтиёжманд оила хонадони нафақат мутасаддилар, балки маҳалладош хешлар билан ҳам гавжум бўлди. Уларга 135 984 минг сўм миқдорда маблағ сарф этилди.

2416,6 минг фуқаро ободонлаштириш ишларида иштирок этди. Уларнинг 1424,9 минг нафари ёшлар эканини инобатга олсак, қадриятларимиз моҳияти барқамол авлод қалбида чуқур илдиқ отаётганига ишончимиз ортади.

Ҳудуддаги 3355,1 га майдон ободонлаштирилиб, 3650,9 тонна маиший, қурилиш чиқиндилари керакли жойларга ташиб келтирилди. 1967 км. узунликдаги ариқ ва лотаклар тозаланди. Атрофга соя-салқин бериб турган 3070,1 мингта дарахтга шакл берилиб, оқланди. 620 та зиёрат-

гоҳ ҳамда қабристон ҳудуди обод этилди. Ҳашар йўли билан юртдошларимизнинг 81494 м.кв уй-жойлари таъмирлаб берилди. Мазкур ишлар учун 596 та техника воситаси жалб этилди.

УРГАНЧ шаҳридаги Ал-Хоразмий кўчасини замонавий андозалар асосида реконструкция қилиш, замонавий турар жойлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, дам олиш майдончалари барпо этиш ишлари жадал давом этмоқда. Кўча кенгайтирилиб, икки томонлама йўл бунёд этилапти.

Ҳашар кунлари вилоятнинг кўпчилик ёшлари ушбу янги кўчани бунёд этиш учун кўмакка келди. Янги бунёд этилаётган талабалар ётоқхонасини таъмирлашга кўмакдош бўлган Тошкент Ахборот технологиялари Университети Урганч филиали талабалари, шаҳар марказидаги «Дошкунжонбобо» зиёратгоҳини ободонлаштиришга улус қўшган «Қамолот» фаоллари, турар жойлари атрофини супуриб-сидириб, дарахтларга шакл берган маҳалла фуқаролари, қўйинги, ҳашарда иштирок этган барча ёшу қари ўз ишидан, аввало, маънавий озуқа олди.

— Ушбу хайрли ишда барча бошланғич ташкилотларимиздан тортиб тармоқ етакчиларига фаол иштирок этди, — дейди вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Раҳимберган Матрасулов. — Ҳашарнинг кўтаринки кайфиятида ўтиши учун шарт-шароит ҳозирладик. Касба уюшмалари бошчилигида Урганч шаҳридаги 10 дан зиёд кўп қаватли турар жой бинолари таъмирланди.

Умуман, хайрия ҳашарида 700 мингга яқин хоразмликлар фаол иштирок этдилар. Уларнинг 300 мингдан зиёдини ёшлар ташкилотлари қилди. Ҳашарчилар кўмағида 2000 гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди. 600 километрдан зиёд ариқ ва зовурлар тозаланиб, 4700 тоннадан зиёд маиший чиқинди чиқариб ташланди. Бир ярим минг тулдан зиёд дарахтларга ишлов берилди.

БУХОРО. Умумхалқ хайрия ҳашари чинакам бунёдкорлик, ҳамжихатлик ва меҳр-оқибат айёмига айланиб кетди. Унда 862 184 киши иштирок этди. Ҳашарчилар сафидa 589 минг нафардан ортиқ йигит ва қизнинг қатнашгани ёшларимиз қалбида юрт равнақи, унинг янада гўзал ва обод бўлишига дахлдорлик ҳис-туйғуларининг жўш ураётгани натижасидир. Тадбир иштирокчиларининг ғайрат-шижоати билан 1275 гектар қаровсиз майдон ободонлаштирилди. Аҳоли пунктлари, майдон ва хиёбонлардан 3742 тонна маиший ва қурилиш

чиқиндилари махсус жойларга чиқариб ташланди. 1286 километрдаги сув йўллари тозаланди.

Вилоят ҳудудидаги улуг пирлар ва азиз инсонлар мангу қўнин топган 835 та қабристон ҳамда зиёратгоҳ тартибга келтирилди. Бог ва хиёбонлар, кўчалар ва ҳовлилардаги 435 мингга яқин дарахтга шакл берилиб, оқланди. 1645 та техника ва транспорт воситаси тозалик ва ободонлаштириш ишларига жалб этилди.

Икки кун давомида вилоятда 165 нафар яқка-ёлғиз қария, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 5568 квадрат метр уй-жойи ҳашар йўли билан таъмирланди. Ушбу мақсадга 17,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

НАВОИЙликлар умумхалқ хайрия ҳашарини кўтаринки кайфиятда қарши олдилар. Ушбу тадбирда 512 мингдан ортиқ фуқаро иштирок этган бўлса, 177 мингга яқинини ёшлар ташкилотлари эди. 1400 тоннага яқин чиқинди махсус жойларга ташиб чиқарилди. Бунга 607 та техника воситаси жалб этилди. Удалланган ишлар учун 25 млн. 200 минг сўм атрофида маблағ сарфланган.

Хатирчи туманидаги Асенгар қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги кўмакка муҳтож, кам таъминланган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия йўли билан 20 та кўп қаватли уй, ташкилот ва объектлар жорий таъмирланди.

Ҳашар кунлари ФАРҒОНА вилояти касба уюшмалари ташкилотларида ҳам ишчанлик, шоду хуррамлик кайфияти устувор бўлди. Фарғона шаҳридаги вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши биноси хоналари ва атрофи тартибга келтирилиб, тозаланди. Бино ҳовлисидаги мевали ва манзарали дарахтлар оқланди, буталди, гулзорлар чопиқ қилинди. Янги гул кўчатлари ўтказилди.

— Умумхалқ ҳашарида ташкилотимизнинг 72 нафар ишчи-ҳодими қатнашди, — дейди бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Дадажонов. — Ҳашарда бир гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди. 600 метр узунликдаги ариқ ва лотаклар тозаланиб ҳамда таъмирланди. Мухташам бино эшик деразалари, унинг фасад қисми ювиб тозаланди. Айрим таъмирталаб жойлар янгиланди. Энг муҳими, мустақилликимизнинг 20 йиллиги арафасида идорамиз биноси ва ҳовлиси озода, шинам ва кўркам тус олди.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги — олий мақсадимиз

Одатда улкан саналарга тайёргарлик паллаларида кўпдан-кўп фикрлар билдирилади, сарҳисоб қилинади, унинг аҳамияти чуқур таҳлил этилади. Зотан «биз йигирма йил илгари ким эдик ва ҳозирда киммиз?» деган мавзу бош ўринни эгаллаганлиги табиий. Фуқаролик жамиятининг бош бўғинларидан бири қасаба уюшмалари томонидан мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳақида тўлиб-тошиб гапириш мумкин. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раиси Авазхон Маматхонов билан сўхбат чоғида бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Ҳамиша эл ичида, одамлар хизматида

— Дарҳақиқат, турли касб эгаларининг ўзаро уюшиб, ўз манфаатини жамоа тарзида муҳофаза этиш, жамиятдаги ўз ўрни, шарт-шароитларини мустақамлаш учун биргаликда ҳаракат этишлари халқимизнинг тарихий анъаналаридан, — дейди сўхбатдошимиз. — Истиқлолдан сўнг бу ҳаракатга янги руҳ бахш этилди, у бутунлай янги мазмун касб этди. Бугунги кунда меҳнат кишиларининг манфаатини изчил муҳофаза этиш, улар учун ҳар томонлама қулай шароитларни яратиш борасида иш берувчилар билан биргаликда ҳаракат қилиш бош шiori-мизга айланган. Қасаба уюшмалари фаолиятига ҳолис назар солган ҳар қандай киши истиқлолдан аввалги ва ҳозирги қилинаётган ишларга ўз ижобий баҳосини беради.

Мурожаатларда меҳнат дафтарчалари юритиш тартибини бузиш, бошқа ишга ноқонуний ўтказиш, иш ва дам олиш тартибининг бузилиши, ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар юзасидан кўрилган чоралар ва бошқа масалалар акс этган бўлиб, улар юзасидан ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Тасдиқланган иш режасига мувофиқ бевосита жойларнинг ўзида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида «Савдогарбанк»нинг вилоят филиали, ўрта махсус касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси, вилоят статистика бошқармаси ва бошқа идора, муассасаларда амалга оширилган текширишлар давомида аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилди.

— Сир эмас, кейинги йилларда ёшларни иш билан таъминлаш, уларни ҳаётга тайёрлаш борасида мамлакатда бағоят кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Бу соҳада қасаба уюшмаларининг ўрни ва роли ҳақида нима дея оласиз?

— Одатда умумхалқ ёки касб байрамлари, бошқа катта тадбирлар арафасидаги йиғилишлар ҳар бир қорхона ва муассасада «қасаба уюшмаси вакиллари қани?» деган мазмундаги сўроқдан сўнг бошланади.

— Албатта, қасаба уюшмалари ўта аҳамиятли бу вазифани тўғри ва ўз вақтида ҳал этилиши учун жон куйдиришмоқда. Узоққа бориб нима қилдик. Бу йил тармоқ қасаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши тасарруфидаги 8 та касб-хунар коллежини 2431 нафар ўқувчи тамомлади. Айтиш керакки, уларнинг 2142 нафари учун уч томонлама меҳнат шартномалари тўзилиб бўлинган. Жойлардаги ўрта махсус ўқув муассасаларида «Устоз-шогирд» тизимини жорий этиш борасида мониторинг ишлари олиб бориш йўлга қўйилди. Ўқув юртлари раҳбарияти ва талабалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари вакиллари иштирокида ҳар чорақда ўтказилаётган амалий учрашувлар ҳам бу борада ишимизга кўмак бермоқда.

— Галингизда жон бор. Қасаба уюшмалари нафақат меҳнатқашлар манфаати муҳофазаси, балки уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, кўнгилли дам олишларини ташкил этиш билан ҳам астойдил шуғулланадилар. Юртимизда байрамлар кўп. Уларни ҳар томонлама мазмуни, дид билан ташкил этишда қасаба уюшмаларининг муносиб ўрни бор.

— Кези келганда, мурожаатлар билан ишлаш қай даражада эканлигига тўхталиб ўтсангиз...

Бир тадбиримиз хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббусига кўра, Ватанимиз мустақиллигини муҳофаза этишда ўз хизмат вазифасини бажарибтиб ҳалок бўлган мудофаа, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари оилаларини ҳар йили шу тадбир муносабати билан йўқлаймиз. Уларнинг оилаларида бўлиб, ҳолидан хабар оламиз. Бу йил ҳам «Хотира ва қадрлаш кунини» да 19 нафар ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига бориб, кўнгилларига кўтаринкилик улашдик.

— Маълумки, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари тизимига асосан юқори билим, маълумотга эга шахслар хизмат қилишади. Шундай бўлса-да, маъмурият билан ходимлар ўртасида зиддиятлар ҳам учраб туради. Шу йилнинг биринчи ярмида вилоят кенгашига 40 та озғани ва ёзма мурожаатлар тушган. Бу мурожаатларнинг барчаси ўз вақтида ўрганилди, тегишли ишлар амалга оширилди. Масалан, «Савдогарбанк»нинг Фарғона вилоят филиали ходими Г.Отахонова ўз иш жойига қўйилмаётганидан норози бўлиб, бизга мурожаат қилганди. Ариза ўша жойнинг ўзида ўрганилди ва шикоятчининг ҳуқуқи поймол қилинганлиги аниқланиб, у ўз иш жойига тикланди. Марғилон шаҳар банк коллежи ўқув амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосари Х.Низебекова, шу коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари А.Йўлдошевнинг ноҳақ ишдан бўшатирилганлиги ҳақидаги аризалари уюшма ходимлари томонидан жиддий ўрганиб чиқилди ва амалга оширилган сай-ҳаракатлар натижасида улар ўз иш жойига тикланди.

Юқорида айтганимдек, қасаба уюшмалари ҳамиша халқ ичида, халқ хизматида. Истиқлолимиздан сўнг ўтган давр ичида амалга оширилган беҳисоб ишларга, кўриниши мутлақо ўзгариб кетган шаҳар-кишлоқларга, маҳобатли завод-фабрикалар, беповен дала ва боғлар, кеча-ю кундуз тиним билмайдиган кичик қорхоналарга қарар экансиз, мана шу ўзгаришларда қасаба уюшмаларининг ҳам ўрни борлигидан қалб-бингиз ифтихор ҳиссига тўлади.

Сўхбатдош «Ishonch» мухбири Алишер ИБОДИНОВ

«Мамолингга кўз тегмасин...»

(Боши 1-бетда)

Бухоро шаҳридаги тарихий обидалар ва мустақиллик йилларида бунёд этилган меъморий иншоотларни ифтихор билан томоша қилдик. Буюк аждодларимиз қолдирган бой меросни кўз қорачигидай асраётган ва уларни замонавий кўринишдаги меъморчилик билан тўлдириб бораётган бу замин одамларига меҳримиз ошди.

билан жаҳонга машҳур Нурута шаҳрига етиб бордик.

Мустақиллик йилларида қад ростлаган маҳобатли иморатлар, қўллаб ишлаб чиқариш қорхоналари ҳайратимизни оширди. Харсанг тошлар оралигидан оқиб чиқаётган зилол бўлоқ сувлари мрамар тошлардан дид билан безатилган ариқлар орқали ишлар томон оқмоқда. Сувдаги тумонат балиқлар худди зиёратчиларни олқишлайётгандай товланиб, ҳаракатланади. Бўлоқ яқинида жойлашган пасткам уйлар ўрнига сайилгоҳ боғлар барпо этиш ишлари қизгин олиб боришмоқда.

Бухорийнинг табаррук қадамжоларини зиёрат қилишга мушарраф бўлдик. Улуғ аждодимиз руҳини шод қилиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган мажмуа чиндан-да дунё тамаддунига муносиб ҳисса бўлиб қўшилибди.

Амир Темур мақбараси атрофидаги ободонликдан диллимиз яйради. Хиёбон бошланғичида тахтада ўтирган Амир Темур (хайкали) бугун шаҳарга назар солиб, авлодлар олиб бораётган бунёдкорлик ишларидан мамнун бўлаётгандай... Улуғ бобомиз Мирзо Улуғбек расадхонаси мажмуида гуруҳ-гуруҳ бўлиб зиёрат қилаётган ёшу кекса юртдошларимиз, чет эллик сайёҳларни кўрдик. Улар

орасида Испаниядан келган сайёҳлар диққатимизни тортиди. Меҳмонлар тарихий музейдаги ҳар бир экспонат олдида узоқ туриб қолаётганларини қўриб, аждодимиз қанчалик буюк инсон бўлганлигини яна бир қарра ич-ичдан ҳис қилдик.

Юртимиз бўйлаб мустақилликнинг 20 йиллигини муносиб қутиб олишга қизгин тайёргарлик кўрилаётган бир паллада шундай фаровон замонда яшаш бизга насиб этганига шукроналар айтдик. Юртимиз жамолига кўз тегмасин, мустақиллигимиз абадий бўлсин, деб дуо қилдик.

Каримбой СОБИРОВ,
меҳнат фаҳрийси,
халқ таълими аълочиси

Хатирчида бўлганимизда Агрисаноат мажмуи ходимлари туман кенгаши раиси Аҳмад Исломовага асаларичилик билан шуғулланувчи бирор тадбиркор фаолияти билан танишиш истагиди эканлигимизни билдирганимизда: — Бу борада Т.Нарзуллаев номи маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Файзулла Сафаровдан ўтадигани йўқ, — деди у.



Файзулла Сафаровдан ўтадигани йўқ, — деди у.

Файзулла муаллимнинг хонадонини осонгина топиб бордик. Пишиқчилик эмасми, каттагина ҳовли нақ жаннатнинг ўзи. Мевали даракларнинг қарийб барча тури дид билан парваришланмоқда. Нақшин олма, ноқ, анжир, узум, шифтолиннинг сара навлари «мени узинг», дегандек япроқлар орасидан товланиб турибди.

Диққатимизни каттагина гулзор орасидан ўтган энсизгина бетон йўлак тортиди. Қатор кетган салкам 100 оила асалари қутилари. Махсус ҳимоя қийимини кийиб олган Файзулла ота ари уяларидан асал олаётган экан.

— Асаларичиликни 20 ёшимдан бошлаганман, — деди 70 ёшли отахон. — Тили бўлмагани билан нишдор жониворларни тушулиш унча қийинмас. Уларнинг ҳаракатлинишидан тинч ёки нотинчлигини англаш мумкин. Лекин ҳамма ҳам асаларичилик билан шуғулланавермайди. Арининг захрини тотмаган болнинг қадрини биларканми? Асаларичилик орқасидан Рўзи янгангиз билан 4 фарзандни воёга етказдик. Шириндан-шакар набираларимизнинг илгири тўқ бўлишида асалнинг ўрни катта. Бир оиллада ари оилаларидан 130 кг. атрофида бол жамлаяпмиз. Ундан фарзандларимига таркатаман, қолганини сотиб, рўзгор кам-қўстига ишлатамиш. Нонушта дастурхонига қанд-курс олай, деймаймиз. Доим рўзгоримиздан шифобахш асал, сут-қатик, мевачева аримайди.

Даромаддан ўтган йили ҳажга бориб келган Файзулла ота набираси Фаёзжонни кўрсатиб: — Мана шу набирам қанотли арларнинг чинакам дўсти бўлиб улгаймоқда. Катта бўлсам, барисига ўзим қарайман, дейди барака толғур. Қани, асалдан татиб кўринглар-чи!..

Мансур АЛОВУДИНОВ

Талабаларга янги иш ўринлари

Ўзбекистон ёқилги энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилоятидаги вакиллик томонидан Фарғона водийсидаги 8 та касб-хунар коллежи билан уч томонлама шартномалар имзоланган.

Янги иш ўринлари яратиш қасаба уюшма ташкилотлари зиммасидаги мухим вазифалардан бирига айланди. Коллежларда «Устоз-шогирд» йўналишидаги ишларни назорат қилиш шунинг учун ҳам жуда муҳим.

тутади, — дейди Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили С. Умрзоқов. — Шу боис барча бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари томонидан амалиёт ўтатган талабаларга ички тартиб-қоидалар пухта ўргатилади. Бундан ташқари, «Устоз-шогирд» йўналишида таҳрибали мутахассисларга ёшларни бириктириб қўйишимиз ҳам қўл келмоқда.

Хозиргача коллеж талабаларидан 400 нафари мухим иш ўрнига эга бўлди. Биргина Андижон саноат энергетика касб-хунар коллежини битирган 248 нафар ўғил-қиз тизимда иш бошлади.

Кувонарлиси, ёшлар юрт келажаги учун астойдил меҳнат қилишга жазм этганлар.

Олинган маълумотларга асосланиб айтадиган бўлсак, вилоятда ташқи миграцияда ёшлар иштироки кескин камайиб, аксинча, меҳнат бозорида ишсизлик кўлами ортага чекинмоқда.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Семинар Ўқув марказида

Яқинда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Ўқув марказида Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашининг бошланғич ташкилотлари раислари ва газначилари ўртасида қасаба уюшма бюджетини ва ижтимоий сугурта маблағларидан мақсадли ҳамада самарали фойдаланиш бўйича ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят кенгаши раиси М.Халилова очиб, қасаба уюшма ва ижтимоий сугурта бюджетини боғлиқ янгилик ва ўзгаришлар, юртимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган кенг қўлланма ўзгаришлар ҳақида тўхтади. Шунингдек, қасаба уюшма бюджетини маблағидан янада мақсадли фойдаланишни ташкил этиш, жойларда бухгалтерлик ҳисоботини юритиш ва уларни тайёрлаш мавзусида ЎзКУФК молия бўлими бошлиғи А.Асадов, ижтимоий сугурта бюджетини тайёрлаш, йўлланмаларни тарқатишда янги таҳрирдаги йуриқномага амал қилиш масалалари ҳақида вилоят КУТБ ижтимоий сугурта бўлими мудири Б.Махаматохуновнинг маърузалари тингиланди. Ўқув-семинар доирасида ўтказилган маънавият ва маърифат соати машғулотини ҳам қизиқarli кечди. Унда Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш Концепцияси» тўғрисида фалсафа фанлари номзоди, доцент Т.Норбоев маъруза қилди. Фикр алмашинув, қизгин мулоқот тарзида ўтган семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири
И. ХАСАНОВ олган сурат



Хабар

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тармоқ ҳамда бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Самарқандда бўлиб ўтган семинар ана шу мавзуга бағишланди.

Вазифалар белгилаб олинди

Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси мажлислар залидаги кенгайтирилган йиғилишида ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири Юнус Фафуров ахбороти тингиланди. Федерация бўлимлари томонидан қуйи ташкилотга кўрсатилган амалий ёрдам ва жойлардаги аҳвол хусусида сўз юритилди. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар асосида Федерация томонидан белгилаб олинган ўн битта устувор йўналишларнинг жойлардаги ижроси муҳим аҳамият касб этади. Ижро интизомини таъминлаш, муҳим меъёрий ҳужжатлар, қатор қарорларнинг бошланғич ташкилотларга етиб бориши устидан назоратни кучайтириш даркор. Концептуал вазифа белгилаб, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида муҳим ишлар қилинди. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги, «Қасаба уюшмалари тўғрисида»-ги Қонунлар лойиҳаларини қабул қилишга тайёрланаётгани ана шу йўлдаги энг муҳим қадамдир. Йиғилиш мобайнида ЎзКУФК бўлимлари мутахассислари ҳамда қасаба уюшма фаоллари ўртасида очик мулоқот бўлиб ўтди. ЎзКУФК юридик бўлими томонидан бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари раислари учрашуви ташкил этилди. Бошланғич ташкилотлар раҳбарларини қизиқтирган барча масалалар тўғрисида ЎзКУФК мутахассислари етарлича тушунча бердилар. Семинарда иштирок этган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева қатор бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Ўз мухбиримиз



Тошкент вилояти Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси

Меҳнаткаш халқимизни Ўртимиз мустақиллигининг

20 йиллиги

билан қутлайди.

Дилингизни Ватанга чексиз муҳаббат ва масъулият ҳислари тарқ этмасин.

Барчамизга оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ, бунёдкорлик шижоати ёр бўлсин!

Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ОАЖ Касаба уюшма қўмитаси

Бунёдкор халқимизни Ва соҳа ходимларини Мустақилликнинг 20 йиллик айёми билан муборакбод этади. Самарали меҳнатингиз мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан тараққиёти Ва халқ фаровонлигига хизмат қилаверсин.

Этау ишда барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонингизга файзу барака тилаймиз.

«Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ ўқув-машғулот майдонида юртимиздаги 110 кВ. ва ундан юқори кучланишга эга бўлган ҳаво электр узатиш тармоқларига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ишчи-хизматчилари ўртасида касбий маҳоратни ошириш, корхона ва ташкилотларда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини кучайтириш мақсадида мусобақа бўлиб ўтди.

Қизгин кечган беллашувлар натижасида «Шарқий» магистрал электр тармоқлари 1-, «Самарқанд ХЭТК» ОАЖ 2-, «Сурхондарё ХЭТК» ОАЖ корхонаси ходимлари 3-ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари Касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Г. Ҳақимова «Энг яхши электро-монтёр», «Энг яхши ишбоши», «Энг яхши ҳакам» ва бошқа номинациялар бўйича голибларга рағбатлантирувчи совғаларни топширди.

Иштирокчилар Самарқандда улар учун яратиб берилган қулай шароитлар ҳамда шаҳарнинг тарихий қадамжоларига уюштирилган саёҳатлар учун ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Мусобақада голиб чиққан «Шарқий» магистрал тармоқлари жамоаси жорий йилнинг сентябр ойида Россиянинг Пенза шаҳрида ўтказиладиган МДХ давлатларининг миллий энерготизимлардаги 110 кВ. ва ундан юқори кучланишли электр узатиш тармоқларига хизмат қилувчи бригадаларнинг халқаро мусобақасида иштирок этиш учун йўлланма олди.

Р. ЗУЛПАНОВ

Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ОАЖ Касаба уюшма қўмитаси раиси

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Тадбиркорлар қонун ҳимоясида

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» соҳа вакилларига ҳар томонлама кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Албатта тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёзлар моҳиятини уларга етказишда давлат солиқ инспекциясининг ўрни катта бўлмоқда.

Жумладан, Мирзо Улугбек туман ДСИ томонидан феврал-июн ойлари ичида 10 марта турли семинарлар, учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказилди. Ҳар ҳафтининг жумасида туман ҳокимлиги ва назорат органларида тадбиркорлар билан учрашув — «Очқ эшиклар куни»

ўтказиб келинмоқда.

Ўтган давр мобайнида тадбиркорлар мурожаати асосан қатор амалий ёрдамлар кўрсатилди. Масалан, «Фотон» ОАЖ ишлаб чиқариш бирлашмасидан пул ўтказиш йўли билан назорат касса машинасини ололмаётган 10 та корхона мушқу-

ли осон бўлди ҳамда тадбиркорлик субъектлари назорат касса машиналари билан таъминланди. 107 та тадбиркорлик субъектлари мурожаати асосан улар ҳисоб-китоб терминллари билан таъминланди.

2011 йил учун текширишлар режасида 52 та хўжалик юритувчи субъект тасдиқланган бўлса, юқоридагиларга асосан қатор корхоналар режадан чиқарилди. Бу тадбиркорларга ўз фаолиятини янада самаралироқ давом эттириш учун ўзига хос имкониятдир.

Тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланувчиларга дастлабки амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман ҳокимиятида «Тадбиркорлик уйи» ташкил этилган. У ерда ҳокимият, солиқ, банк, ёнгин хавфсизлиги, кадастр, архитектура, электр-энергия ва бошқа соҳа вакиллари бир жойда ва бир вақтда бўлажак тадбиркорларга соҳа бўйича ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ж. МАМАРАЖАБОВ,
Мирзо Улугбек туман ДСИ шўъба бошлиғи

Касаба уюшма ҳаёти

Бугунги кун ҳар бир ходимдан ўз касб малакаси ва билим даражасини мунтазам ошириб боришни тақозо этмоқда. Касаба уюшма ташкилотларида ходимларнинг билим савиясини ошириш йўлида маънавият соатлари ўтказилаётганлиги ҳам аслида шундан.

Маънавият соати

Ана шундай тадбирлардан бири Наманган вилоят Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтди. Унда Касаба уюшма фаоллари, етакчилар, бирлашма масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда «Наманган садоси» газетаси муҳаррири, журналист ва сибсатшунос Комилжон Файзиёв «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳақида маъруза қилди.

Ақмалжон Умаров, Эркинжон Қамбаров, Татьяна Китаева каби Касаба уюшма фаоллари давр билан боғлиқ вазифалар ҳақида тўхталдилар. Вилоят Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ғайзулла Лаязов Президент Концепцияси демократиянинг ёрқин ифодаси эканлиги, бу эса ўз навбатида, Касаба уюшма ташкилотлари ва уларнинг ходимларига катта масъулият юклашига эътиборни қаратди.

Феруза ЭРМАТОВА

